Emro Science and Education
Open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 3 (2024) · “Hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish dasturlarini moliyalashtirish tendensi... DOI: 10.5281/zenodo.24316892

VI SHO‘BA - ILG‘OR XORIJIY TAJRIBALARNI O‘RGANGAN HOLDA HUDUDLARNI RIVOJLANTIRISHNING MILLIY METODOLOGIK ASOSLARI VA YONDASHUVLARINI ISHLAB CHIQISH HAMDA TAKOMILLASHTIRISH

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА ЎТИШНИНГ СОЛИҚ ОҚИБАТЛАРИ

Муйдинов Эркин Джамолдинович
ТДИУ доценти, и.ф.н

2020 йилнинг 24 февралида эълон қилинган “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 4611-сонли Ўзбекистон республикаси Президенти қарорининг 1-бандига асосан акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар 2021 йил 1 январдан бошлаб, МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишга ўтдилар. Мазкур корхона ва ташкилотларни МҲХСни қўллашга ўтиши компанияларда бу борада етарли тажрибага эга бўлгунга қадар солиқларни ва айниқса фойда солиғини ҳисоблаш жараёнида ўта эҳтиёткор бўлишни талаб қилади.

Чунки бу борадаги ишлар давлат бюджети билан боғлиқ бўлганлиги учун аудиторлар ва солиқ идоралари ходимлари томонидан мунтазам назорат қилиб борилади.

Молиявий ҳисобот аудитини ўтказиш жараёнида мижоз компания ходимлари томонидан ҳисобланган солиқлар ва йиғимлар аудитор томонидан уларнинг қолдиқларини молиявий ҳисоботда тўғри кўрсатилганлиги нуқтаи назаридан текширувдан ўтказилади.

Ўзбекистон республикасида **солиқ аудити** солиқ органлари ташаббуси билан амалга ошириладиган назорат турларидан бири бўлиб, унда муайян давр учун солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашнинг тўғрилиги текширилади. Бу борадаги ҳуқуқий асос Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг “Солиқ текширувларининг турлари” деб номланган 137-модданинг 3-бандида келтирилади. Солиқ аудити солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) ***юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига мансуб солиқ тўловчига*** (солиқ агентига) нисбатан ўтказилади. Солиқ аудити ўтказилаётган даврда текширилаётган даврнинг солиқ ҳисоботига солиқ тўловчи томонидан ***ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди.***

Шунинг учун МҲХСга ўтган хўжалик юритувчи субьектларни ҳисоб ходимлари халқаро стандартларни солиқ оқибатларини яхши ўзлаштириб олишлари лозим.

Published: 17.05.2024

Cite this article: Муйдинов Эркин Джамолдинович (2024). Молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларига ўтишнинг солиқ оқибатлари. Emro Science and Education, 1(3). https://doi.org/10.5281/zenodo.24316892

© 2024 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

Буларни қанчалик муҳим эканлигини фақат битта “Асосий восита-лар” деб номланган 16-сонли МҲХС (IAS) нинг ҳолатларини фойда солиғига таьсири мисолида кўриб чиқамиз.

■ МҲХС 16 га кўра актив келажакда иқтисодий наф келтира олсагина асосий воситалар таркибида ҳисобга олинади. Агар сотиб олинаётган актив-дан телгусида иқтисодий наф олиш даргумон бўлса , унда мазкур активни сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар “Фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот”да жорий давр харажатлари сифатида тан олинади.

■ Эҳтиёт қисмлар, ишлатилмаётган ва ёрдамчи ускуналар каби модда-лар асосий воситалар таърифига жавоб берганда, ушбу БҲХСга мувофиқ тан олинади. Бунда уларни қиймати харажатларга бирданига эмас, балки фойдали хизмат муддати давомида чиқариб борилади. Акс ҳолда, бундай моддалар захиралар сифатида таснифланади.

■ Асосий восита объектини демонтаж қилиш ва олиб ташлаш ҳамда у жойлашган жойдаги табиий ресурсларни қайта тиклаш бўйича дисконтланган харажатларининг бошланғич баҳоси сотиб олинган асосий воситалар қийматига, қолган суммаси эса резерв ташкил қилган ҳолда бошқа молиявий фаолият бўйича харажатлар таркибига киритилади.

■ Актив сифатида тан олинганидан сўнг, ҳаққоний қиймати ишончли тарзда баҳоланиши мумкин бўлган асосий восита объекти кейинги жамға-рилган эскириш ва қадрсизланишдан кейинги жамғарилган зарарларни чегирган ҳолда, қайта баҳолаш санасидаги ҳаққоний қийматни акс эттирадиган қайта баҳоланган қийматда ҳисобга олиниши лозим.

Агар қайта баҳолаш натижасида активнинг баланс қиймати ошадиган бўлса, у ҳолда ушбу ошган сумма бошқа умумлашган даромадлар таркибида тан олиниши ҳамда хусусий капитал таркибидаги “Қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ўсиши” моддасида жамғарилиб бориши лозим. Лекин бундай ўсиш суммаси олдин фойда ёки зарарларда тан олинган айни шу активни қайта баҳолаш натижасида қийматнинг камайиши суммасини тиклайдиган суммада фойда ёки зарарларда акс эттирилиши лозим.

Солиқ кодексининг 297-моддаси 9-қисмида белгиланганидек қайта баҳолашдан олинган даромад фойда солиғи ҳисоблаш базасига киритил-майди.

Агар қайта баҳолаш натижасида активнинг баланс қиймати камаядиган бўлса, у ҳолда ушбу камайиш суммаси фойда ёки зарарлар таркибида тан олиниши лозим. Лекин бундай камайиш суммаси бошқа умумлашган даромадлар таркибидаги айни шу активга тегишли “Қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ўсиши” моддаси кредит қолдиғи суммаси миқдорида дебетланиши

лозим. Умумлашган даромадлар таркибида тан олинган камайиш суммаси хусусий капитал таркибидаги “қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ўсиши” моддасида жамғарилган суммани камайтиради.

Солиқ кодексининг 305-моддаси 10-қисмида белгиланганидек активларни қайта баҳолашдан олинган камайиш суммаси фойда солиғини ҳисоблашда харажатлар сифатида қаралмайди.

■ Қадрсизланишдан зарар бевосита фойда ёки зарар таркибида тан олиниши лозим, бундан актив бошқа стандартга мувофиқ (масалан, 16-сон БҲХСдаги қайта баҳолаш моделига мувофиқ) қайта баҳоланган қийматда ҳисобга олинадиган ҳолатлар мустасно. Қайта баҳоланган актив бўйича ҳар қандай қадрсизланишдан зарар ушбу бошқа стандартга мувофиқ қайта баҳолаш суммасининг камайиши тарзида ҳисобга олиниши лозим.

■ Асосий восита объектларини қадрсизланиши, йўқотилиши ёки ўтказиб берилиши натижасида учинчи шахслар томонидан тақдим этиладиган қоплаш суммаси бундай коплаш суммасини олиш ҳуқуқи юзага келганда фойда ёки зарар таркибига киритилиши лозим.

■ Асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш учун асосий воситаларнинг тугатиш қиймати чегириб ташланган дастлабки ёки тиклаш қийматини унинг **“фойдали хизмат муддати”**га бўлиш лозим. Бунда фойдали хизмат муддати деганда – компания активидан фойдаланишнинг кутилаётган даври ёки компания ушбу активдан фойдаланган ҳолда амалга оширишни назарда тутадиган буюмлар сони тушунилади. Бу ерда компания ходимлари олдида фойдаланишда бўлган хар бир асосий воситани фойдали хизмат муддатини аниқлашдек жуда катта иш турибди.

■ Актив бўйича эскириш ҳисоблаш ушбу активдан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлган, яъни у раҳбарият томонидан назарда тутилган мақсадда фойдаланиш учун зарур бўлган жой ва ҳолатга келтирилган пайтдан бошланади. Эскириш қуйидаги икки санадан олдингисида тўхтатилади: 5-сон МҲХСга мувофиқ сотиш учун мўлжалланган (ёки сотиш учун мўлжалланган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ таркибидаги) актив сифатида таснифланган сана ёки уни актив сифатида тан олиш бекор қилинган сана. Фойдали хизмат муддати ва тугатиш қиймати қайта кўрил-гач, эскириш суммаси ҳам қайта кўриб борилади. Сотиш учун мўлжалланган ва чиқиб кетувчи гурухга киритилган узоқ муддатли активларга эскириш ҳисобланмайди.

■ Асосий воситаларни тан олишни бекор қилишдан юзага келадиган фойда ёки зарар асосий восита объектини тан олишни бекор қилиш пайтида фойда ёки зарар таркибида акс эттирилиши лозим . Бундай фойда асосий фаолиятдан тушум сифатида таснифланмаслиги лозим. Асосий восита объектини тан олиш бекор қилиниши натижасида юзага келадиган фойда ёки зарар активнинг чиқиб кетишидан олинадиган соф пул маблағлари тушуми

билан активнинг баланс қиймати, агар мавжуд бўлса, ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

■ Асосий воситаларни қайта баҳолаш натижасида юзага келган Захира суммаси асосий восита обьектини фойдаланиш муддати тугагач, фойда ва зарарлар ҳисобварағини чеклаб ўтиб, тўғридан тўғри ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. 2020 йилнинг 24 февралида эълон қилинган “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 4611-сонли Ўзбекистон республикаси Президенти қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси.2024 й
3. 10- сонл МҲХС (IAS). Асосий воситалар

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА ЎТКАЗИШ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЁТГА ТАСИРИ

Салиев Баходир Комилович
ТДИУ доценти, и.ф.н.
Сатторалиев Толибжон
ТДИУ 2 курс талабаси

Аннотация: *Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бойича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги № 4611 сонли қарорини бажарилишини кечиктирмасдан ортга сурмасдан бажарилиши, унинг бир қатор афзалликлари ва иқтисодиётимизни ривожланишига таъсирларини ўрганишга қаратилган.*

Таянч сўз ва иборалар: *Молия, стандарт, ҳисобот, экспорт, импорт, бухгалтерия, инвестиция, инфляция, ишсизлик, сармоя, самарадорлик, интегратсия, бизнес, товар, талаб, таклиф, бозор.*

Молиявий ҳисоботни миллий стандартлари (МҲХС)ни ҳалқаро стандартлари (ИФРС) га мослаштириш бир қанча афзалликларни бериши мумкин, жумладан:

a) Яхшиланган таққослаш: Халқаро стандартларга риоя қилиш турли мамлакатлардаги компанияларнинг молиявий ко'рсаткичларини солиштиришни осонлаштириши мумкин. Бу глобал савдо ва инвестицияларни осонлаштиради.
b) Аниқликнинг ошиши: Халқаро стандартлар компаниялардан батафсилроқ ва шаффоф молиявий ма'лумотларни тақдим этишни талаб қилади. Бу